

Исо Гойибназаров

Ўз МУ мустақил илмий тадқиқотчиси

## Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда солиқларнинг уруш манфаатларига бўйсундирилиши

**Аннотация:** Ушбу мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда маҳаллий солиқларнинг уруш манфаатларига бўйсундирилиши, ҳарбий изга йўналтирилиши ва бу солиқ тизимида қатор зиддиятларни келтириб чиқарганлиги баён қилинган. Унда шунингдек, мажбурий солиқ ва йиғимларнинг урушга сафарбар этида Ўзбекистон халқининг урушга қўшган муносиб ҳиссаси ёритилган.

**Калит сўзлар:** иккинчи жаҳон уруши, Ўзбекистон, солиқ, солиқ тизими, армия, фронт, молия, халқ хўжалиги, имтиёз, маблағ, мудофаа, ҳарбий, эвакуация, пошлина, жамғарма.

**Аннотация:** В данной статье описывается подчинение местных налогов военным интересам в Узбекистане во время второй мировой войны, направление их на военные нужды и некоторые противоречия в налоговой системе. В нём также подчеркивается внесший достойный вклад народа Узбекистана в войну по мобилизации обязательных налогов и сборов.

**Ключевые слова:** Вторая мировая война, Узбекистан, налог, налоговая система, армия, фронт, финансы, народное хозяйство, льготы, фонды, оборона, военный, эвакуация, пошлина, фонд.

**Annotation:** In this state the description of local taxes on military interests in Uzbekistan during the second world war, the direction of the military needs and some opposition in the tax system. V нём takje podcherkivaetsya vnesshiy dostoyunyuy vklad naroda Uzbekistana v voynu po mobilizatsii obyazatelnykh nalogov i sborov.

**Keywords:** World War II, Uzbekistan, tax, tax system, army, front, finance, national economy, privilege, funds, defense, military, evacuation, duty, fund.

### 1. Долзарблиги:

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда барча соҳалар ҳарбий изга кўчирилди. Шу жумладан солиқ тизими ҳам асосан уруш манфаатларига бўйсундирилиб, барча эътибор урушни тезроқ ғалаба билан якунлаш, давлатнинг молиявий қудратини ошириш ва бюджет тизимини мустаҳкамлашга қаратилди. Агар республиканинг уруш йилларидаги мавжуд солиқ тизимига мурожаат этилса, ҳукуматнинг урушгача бўлган солиқ сиёсатидаги каби шаҳарда асосан даромад солиғининг, қишлоқда эса ягона қишлоқ хўжалик солиғининг пулли даромад

солиғига айланиб бориши жараёнини кўриш мумкин. Уруш йилларида эса мазкур солиқлар уруш манфаатлари йўлида ҳарбий изга кўчирилиб, армия ва фронт ҳамда фронт ортининг молиявий асосини мустаҳкамлашга қаратилди.

Албатта, совет ҳокимиятининг иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда олиб борган солиқ сиёсати, унинг ўзига хос хусусиятлари ва салбий оқибатларини илмий асосда тадқиқ этиш, ўша даврда ҳокимиятнинг солиқ тизими борасидаги машъум сиёсатининг характерини рўй рост очиш бугунги ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарих фани олдида турган муҳим масалалардан биридир. Тадқиқ этилаётган мақоладаги масаланинг долзарблиги шундан иборатки, мазкур масалани илмий ўрганиш тизимнинг нафақат ижтимоий-иқтисодий жиҳатини, балки совет даврида ўзбек халқи ва унинг давлатчилик тарихи масаласини ҳаққоний, объектив ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

## **2. Методлар:**

Мақола ижтимоий-гуманитар фанларга хос объективлик, изчиллик, тарихий-қиёсий таҳлил, тарихий ҳамда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларни хронологик асосда ўрганиш, манба ва даллиларга таяниш ва уларнинг ҳаққонийлигига асосланиш методлари негизда ёритилди. Унда совет давлатининг солиқ сиёсатига оид мустамлакачилик характерини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаштириш, соҳани ҳарбий изга кўчириш негизда давлатнинг олиб борган сиёсати объектив мезонлар асосида ўрганилди.

## **3. Тадқиқот натижалари:**

Тарихий манбаларга мурожаат қилинса, яқин вақтларгача 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси жами 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингга яқини урушда иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Тўпланган янги маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилган[1. №80]<sup>1</sup>. Уруш йилларида солиқ соҳасидаги

---

<sup>1</sup> Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. № 80. Т., 2020 йил. 10 май.

Ўзгаришлар 1941 йил 3 июлдаги "Вақтинчалик юз фоизли солиқ тўғрисида"ги СССР Олий Совет Президиумининг махсус қарори асосида 1941 йил 29 декабрда Олий Совет қарори билан "уруш солиғи" жорий этилади [2.47]<sup>2</sup>.

Шунингдек, "Вақтинчалик юз фоизли солиқ тўғрисида"ги Олий Совет Президиуми қарори ҳам қабул қилинади [3.47]<sup>3</sup>. 1941 йил 21 ноябрда Олий Совет қарори билан "Бўйдоқ ва боласиз фуқаролар солиғи" жорий этилганлиги, "демографик вазиятни яхшилаш режаси асоси" да, келажакда урушга жалб қилинаётган фуқаролар сонини ошириш, фашистлар ҳужуми натижасида етим қолган болаларни сақлаш харажатларини қоплаш ва қўшимча молиявий имкониятларни жалб этиш мақсадида жорий этилган эди. Ушбу солиқни асосан, 20-50 ёшли эркеклар ва 20-45 ёшли аёллар тўлаши белгиланган бўлиб, йилига унинг миқдори бир киши учун 100 сўм (рубл)ни ташкил этган [4.47]<sup>4</sup>.

1944 йилга келиб унинг миқдори боласиз фуқаролар учун 150 сўм, бир болалилар учун 50 сўм ва икки болалилар учун 25 сўмга туширилади. Айнан шу йили бу қонун "Кам болали фуқаролар солиғи"га ўзгартирилади. Бунда яна бир тадбир, яъни демографик ўсишни таъминлаш мақсадида 10 ва ундан ортиқ фарзандларни туғиб вояга етказганлиги учун "Қаҳрамон она" ордени таъсис этилади[5.51]<sup>5</sup>. Бу, биринчидан, 10 ва ундан ортиқ фарзандларни туғиб, вояга етказган оналар учун рағбат бўлган бўлса, иккинчидан ушбу тадбир республикадаги демографик вазиятни миллий анъаналарга мос равишда тизимлаштириш учун амалга оширилганлигини кўриш мумкин.

Уруш йилларида ёлғиз фуқаролар ва кичик оилаларга солинадиган солиқ тури Олий Совет Президиумининг 1941 йил 21 ноябрдаги "Бўйдоқ, яқка ва боласиз фуқаролар солиғи" тўғрисидаги қарорига кўра, никоҳдаги фуқаролар агар никоҳи бузиладиган бўлса, 20 кун ичида бу ҳақда маълумот етказишлари шарт бўлган.

---

<sup>2</sup> Пўлатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон хиссаси. Т., "Ўзбекистон", 1974. 47 бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Жўраев Ш, Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. Бухоро 2004. 51- бет.

Ушбу солиқ имтиёзлари ҳарбийларга, ҳарбийлар аёлларига, боласи бедарак йўқолганларга, талабаларга, инвалидларга, шимол халқларига, гипофизар касалликларга учраганларга, овчиларга ва шаҳарда қишлоқ хўжалиги билан шуғилланувчиларга нисбатан қўлланилмаган [6. 57.]<sup>6</sup>.

Агар тарихий рақамларга мурожаат қилинса, уруш йилларида солиқлар ҳисобига бутун Иттифоқ бўйича уруш манфаатлари учун сарфланган маблағлар 114,7 миллиард сўмни ташкил этган. Шундан 58,8 миллиард сўми ёки 50,8 % ни ҳарбий харажатлар ташкил этган, қолгани фронт ортида уруш эҳтиёжларига сарфланган [7.151]<sup>7</sup>. Бу харажатлар халқ хўжалигига сарфланадиган маблағлар ва ижтимоий-маданий тадбирлар харажатларини қисқартириш ҳисобига ошириб борилган.

Ушбу рақамларни Ўзбекистон миқёсида оладиган бўлсак, республика бюджети 1941-1945 йилларда 786,5 миллион сўмни ташкил этган бўлиб, халқ хўжалиги харажатлари 64,8 фоиз, ижтимоий маданий тадбирлар харажатлари 21,8 фоиз, бошқарув харажатлари 9,8 фоиз бўлиб, халқ хўжалиги ва ижтимоий харажатларнинг ҳам аксарияти мудофаа эҳтиёжларига йўналтирилган. Уруш даврида ҳарбий харажатларнинг кўпайишидан ва давлат корхоналаридан олинадиган даромадларнинг камайиши натижасида бюджетга тушадиган даромадлар салмоғи камайган. Бу етишмовчиликни тузатиш мақсадида урушнинг биринчи йилларида аҳолидан олинадиган даромад ва қишлоқ хўжалиги солиқлари оширилган. Шу тариқа уруш йилларида Ўзбекистондан урушга кетиб номнишонсиз йўқолган жангчиларнинг оилалари нафақат маънавий, балки моддий томондан ҳам катта зарар кўрдилар. Ҳукумат уруш йилларидаги ҳарбий харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун "Мулк солиғи", "Қишлоқ хўжалик солиғи" ва "Даромад солиғи" ставкаларини оширади [8.86]<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> Жўраев Ш, Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. Бухоро 2004. 57 бет.

<sup>7</sup> Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Т. 2009 . 151-бет.

<sup>8</sup> Справочник по налогам и сборам населения. М., 1973. С- 86.

# Social Science Analysis

Энг муҳими, бюджет даромадларининг асосий манбаини фуқароларнинг солиқлари, давлат резерв фондларининг маблағлари, корхоналарнинг фондлари маблағлари ва бошқа даромадлар билан бирга, давлат заёмлари ва пул-буюм лотереялари ҳам ташкил этган. Уруш йилларида ушбу манбалардан Республика бюджетига 422,6 миллион сўм йиғиб олинганлиги бунинг тасдиғидир. Ундан ташқари, Республика уруш йилларида фронтга 4 млн. 148 минг тонна пахта ва мева, 54 минг тонна пилла 3 млн. 83 минг дона қорақўл тери ва озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатган [9.86]<sup>9</sup>.

1942 йилнинг бошида республиканинг барча газеталарида ЎзССР ХКК хузуридаги эвакуация қилинган ва етим болаларни жойлаштириш ҳамда тарбиялаш Комиссияси Давлат банкининг шаҳар бошқармасида 160676 – рақамли “жорий ҳисоб” очганлиги ҳақидаги эълонлар босилиб чиқа бошлаган. Ҳукумат томонидан болалар фойдаси учун бўладиган барча хайриялар ана шу кўрсатиб ўтилган ҳисобга топширилиши илтимос қилинган эди. Мазкур даъват жавобсиз қолмади. 1942 йилнинг март ойига келиб 160676 – рақамли ҳисобга 2 млн. 74 минг сўм маблағ тушди. 1943 йилга келиб бу жамғарма фонди 3,5 млн сўмга етди [10. 456]<sup>10</sup>.

Уруш йилларида Ўзбекистондан урушга кетиб ном-нишонсиз йўқолган жангчиларнинг оилалари нафақат маънавий, балки моддий томондан ҳам катта зарар кўрдилар. Яъни, эркакларнинг асосий қисми урушга кетган, фронтнинг жангчи етказиб берувчи асосий минтақаси бўлган Ўзбекистонда демографик вазиятни изга тушириш мақсадида ва аҳолига имтиёзлар бериш нуқтаи назаридан, ҳукумат 1944 йилда махсус қарор асосида "Қаҳрамон она"лар учун маълум имтиёзлар жорий қилади [11. 47]<sup>11</sup>. Урушнинг ғалаба билан тугаши натижасида 1946 йил 1 январдан бошлаб "Уруш солиғи" бекор қилинади.

---

<sup>9</sup> Ўша жойда

<sup>10</sup> Ўзбекистон тарихи. // Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Т., 2000. 456 бет.

<sup>11</sup> Ўша жойда. 47 бет.

# Social Science Analysis

Аммо урушнинг охирларига келиб, совет давлатининг урушдаги ғалабаси аён бўла бошлагач, саноат корхоналари учун солинадиган солиқларда айрим имтиёзлар кенгайтирилиши билан бир вақтда, қишлоқ хўжалик солиқлари уруш даври ставкалари даражасида сақланиб қолди. Қишлоқда молиявий имкониятларни максимал даражада сафарбар этиш нтижасида 1945 йилга келиб уруш бошларида жорий этилган карточка таъминоти тизими бекор қилинади. Аммо урушдан сўнг, яъни 1948 йил 13 июлда Олий Совет Президиуми "Қишлоқ хўжалик солиғи 8, 23, 25 моддаларини ўзгартириш тўғрисида"ги кўрсатмасига биноан қишлоқ хўжалик солиғи ставкаларининг оширилиши ва мавжуд имтиёзларнинг қисқартирилиши аҳоли моддий аҳволини янада оғирлашувига сабаб бўлади [12.151]<sup>12</sup>.

Юқорида қайд қилинганидек, иккинчи жаҳон уруши йилларида давлат бюджетига келиб тушаётган солиқларнинг аксарияти ҳарбий мақсадларда сарфланганлиги аён бўлади. Бу айниқса, Ўзбекистондаги асосий даромад соҳалари ҳисобланган қишлоқ хўжалиги соҳалари ва у билан боғлиқ тармоқ ишлаб чиқариш, саноат корхоналари, кончилик, кимё саноати ва электроэнергетика тармоқлари ҳиссасига тўғри келган. Зеро, уруш йилларида ҳукумат мамлакатдаги ҳар бир республиканинг ички шарт-шароитлари, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда солиқ тизимини шакллантирмасдан, балки барча учун мажбурий қонун-қоидаларни татбиқ этишга мажбур бўлган. Аммо урушдан кейинги йилларда улар қонун асосида бирмунча соддалаштирилади.

Маҳаллий солиқларнинг бошқа турлари маҳаллий ҳокимиятлар томонидан белгиланган тартибда ҳарт бир жойнинг маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда марказ билан келишиб, белгиланган ва йиғилган.

Бу даврда, авваламбор, халқ хўжалигида тинч қурилишга ўтилганига қарамасдан, бюджет харажатларининг асосий қисмини ҳарбий соҳалар ташкил этган. Бу эса солиқли даромадларнинг тез ўсишига олиб келган. Урушдан кейинги

---

<sup>12</sup> Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Т., 2009.,151-бет.

йилларда солиқларнинг миқдорий кўпайиши (ортиши) уларни соф фискал инструментдан давлатнинг ишлаб чиқариш жараёнига самаралироқ аралашувига имкон берадиган иқтисодий инструментига айлантирган эди. Фойда ва даромадни солиққа тортишдаги ўзгаришлар капитал ҳаракатнинг тезлигига, маҳсулот сифатига, жамғармалар ва инвестицияларга сезиларли таъсир кўрсатади. Бунда давлат пошлинаси муҳим рол ўйнаган.

Уруш йилларида аҳолидан белиланган солиқлардан ташқари давлат пошлинаси ҳам ундирилган. Яъни, давлат пошлинаси СССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 10 апрелдаги “Давлат пошлинаси ставкалари тўғрисида” ги қарори асосида ундирилган [13. 412]<sup>13</sup>. Давлат пошлиnasини уруш йилларида суд ташкилотлари, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи органлар, давлатга келиб кетувчиларни қайд этувчи органлар, паспортларни қайд этиш органлари, шаҳар ва қишлоқ молия бўлимлари, турли рухсатнома берувчи органлар ва маҳаллий советлар тўлаганлар. Урушдан сўнг асосан арбитраж органлари, нотариал конторалар, Нотариал ташкилот бўлмаган шароитда давлат пошлинасини маҳаллий ижроқўмлар тўлаганлар [14. 63]<sup>14</sup>.

Давлат пошлинаси ҳужжатлаштириш ва ҳужжатлар берилганлиги учун фуқаролар, ташкилотлар ва барча корхоналардан олинган. Давлат пошлинаси оддий ва пропорционал турларга бўлинган. Оддий пошлиналар қатъий ставкалар орқали белгиланса, пропорционал пошлиналар ўзгариб борган. Давлат пошлинаси 10 сўмгача бўлган тўловларда пошлина маркаси сифатида, 10 сўмдан юқори бўлган тўловларда эса нақд ва кўчирма пуллар орқали олинган [15. 234]<sup>15</sup>.

Пошлина тўловларини Давлат Банки ва Омонат касса бўлимлари қабул қилганлар. Бунда, пошлина квитанциясига ким, нима учун, қачон ва қанча пошлина тўлаганлиги, квитанцияни берувчи шахс имзоси ва ташкилотнинг муҳри бўлган.

<sup>13</sup> Сборник законов Узбекской ССР и Указов Президиума Верховного Совета Узбекской ССР (1938-1971 гг). Т., 1972. С-412.

<sup>14</sup> Жўраев Ш, Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. Бухоро 2004. 63- бет.

<sup>15</sup> Тур В.А, Е.А Авдошина Населению о налогах. М. Финансы и статистика. 1988., С 234.

Кўчирма пулларда эса маҳаллий бюджетларнинг жорий ҳисоб рақамлари аниқ кўрсатилган бўлиши зарур эди. Квитанция ёки пошлина ҳужжатлари нусхаси бўлганда ва гумонли ҳужжат бўлганда пошлина олувчи ташкилот ҳаракат қилиши мумкин бўлмаган. Давлат пошлинаси маркалари белгиланган тартибда нотариал конторалар ва кассаларга берилиб, улар давлат банки кўрсатмалари асосида сотилган. Сотилган маркалар қайтариб олинмаган ва бошқасига алмаштирилмаган [16.65]<sup>16</sup>

Уруш йилларида қурилиш биноларидан олинадиган солиқ ва ер рентаси ҳам муҳим рол ўйнаган. Қурилиш бинолари солиғи фуқароларни турар жойлари, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш хоналаридан олинган. Унинг миқдори коммунал хўжалик хизмати органлари томонидан белгиланган. Бу объектларда неча киши туриши ва фойдаланишидан қатъий назар унинг майдони бўйича солиқни фақатгина шу объектнинг мулк эгаси тўлаган.

Яъни, ер рентаси маълум бир майдонда жойлашган турли бинолардан ва уларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, улар учун эгаларига битта ёки бир нечта бўлсада алоҳида рента тўлови олинган. Қурилиш бинолари солиғи аксарият ҳолларда шу объект қийматининг 1% миқдорида олинган. Лекин кейинчалик фуқароларга тегишли объектлар баҳоси ва шунга боғлиқ равишда суғурта тўлови ошиши билан бу солиқнинг миқдори ҳам объект баҳоси ва категориясига қараб ўзгарган. Ер рентаси муайян ҳудуднинг маъмурий аҳамиятига боғлиқ ҳолда белгиланган. Унинг қуйидаги тоифалари бўлган: 1- тоифа 1,8 тийин, 2-тоифа 1,5 тийин, 3-тоифа 1.2 тийин, 4-тоифа 0,9 тийин, 5-тоифа 0,4 тийин, 6-тоифа 0,4 тийин бўлган [17.65]<sup>17</sup>.

Ер рентаси ушбу тоифалар бўйича ердан фойдаланилмаган ҳолда ҳам албатта доимий олинган. Бу тўловлар йиллик тўлов бўлиб, улар ҳар йили 15 августда 2 қисмга бўлиниб, олинган. Ушбу солиқлар бўйича имтиёзлар аҳолининг 9

---

<sup>16</sup> Ўша асар. 65- бет.

<sup>17</sup> Ўша жойда



тоифасига нисбатан белгиланган бўлиб, улар ўзига ҳос шартларга жавоб бергандагина амалда бўлган 18.198]<sup>18</sup>.

Иккинчи жаҳон уруши даври солиқларининг функциялари солиқ ташкилотлари мажбуриятлари, солиқни ҳисобга олиш тартиби, солиқлар бўйича ҳисоботлар қуйидаги тартибда бўлган. Солиқ йиғишни текшириш ишлари тартиби ва солиқлар бўйича аризалар ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш тартиби каби фаолият соҳалари, ташкилий ва солиқларнинг давлатдаги ҳаракат фаолиятига қараб молия заҳираси, моддий асоси хавфсизликни таъминлаш, турли соҳаларга ёрдам ҳамда иқтисодиётга фаол ёрдамлашиш воситаси тарзидаги амалий йўналишларни ўзида мужассамлаштирган.

Урушнинг ғалаба билан тугаши натижасида "Уруш солиғи" бекор қилинади. Урушдан кейинги дастлабки йилларда вайрон бўлган саноатни тиклаш мақсадида саноат солиқларидаги имтиёзлар кўпайтирилиши билан бир вақтда қишлоқ хўжалик солиқлари уруш даври ставкалари даражасида сақланиб қолди. Қишлоқда молиявий имкониятларни максимал даражада сафарбар этиш натижасида 1947 йилга келиб уруш пайтида жорий этилган карточка таъминоти тизими бекор қилинди 19.167]<sup>19</sup>.

Ушбу мақола якуни бўйича шуни қайд қилиш зарурки, иккинчи жаҳон уруши йилларида совет давлати солиқ тизими асосан давлатдаги барча заҳираларни фронтга сафарбар этиш вазифасини бажарганлигини кўриш мумкин. Совет даври солиқ тизими зиддиятлари хўжаликнинг барча соҳаларини қамраб олган бўлиб, бу зиддиятлар ўз табиатига нисбатан ички ва ташқи зиддиятларга бўлинади. Солиқ тизими ички зиддиятлари ижтимоий иқтисодий сабаблар, солиқ тизимининг ҳаракат қилиш тартибида мужассамлашганлигидир.

---

<sup>18</sup> Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Шамов А.А Территориальные управления хозяйства. -М., 1984, -С 198.

<sup>19</sup> Жўраев Ш, Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи., Бухоро. 2004. 167 б.

Республикада солиқларнинг функцияларини аниқлаш, солиқ ташкилотлари мажбуриятларини белгилаш, солиқни ҳисобга олиш тартиби ва солиқлар бўйича ҳисоботларни назорат қилиш кабилар қуйидаги тартибда бўлган. Солиқ йиғимини текшириш ишлари тартиби ва солиқлар бўйича аризалар ҳамда шикоятларни кўриб чиқиш, солиқларни йиғишнинг ҳаракат фаолиятига қараб, давлатнинг молиявий заҳирасини аниқлаш, хавфсизликни таъминлаш, турли соҳаларга ёрдам кўрсатиш ҳамда иқтисодиётга фаол ёрдамлашиш воситаси каби йўналишларни ўзида мужассамлаштирган.

#### 4. Хулосалар:

Умуман, уруш йилларида Ўзбекистонда совет ҳукумати солиқ сиёсати юзасидан қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш ва хулосалар қилиш мумкин:

-биринчидан, урушгача ва уруш йилларида барча солиқ ташкилотлари солиқлар йиғиш, бюджетга солиқ тушумлари таркибини текширган ва назорат қилган, аммо солиқ масаласида фуқароларга имтиёзлар уруш туфайли тўхтатилган. Шу туфайли бошқа куч ва воситалар сингари солиқлар ҳам тўла уруш манфаатларига бўйсундирилганлигини тасдиқлади;

-иккинчидан, уруш натижасида давлат бюджетига тушадиган солиқ ва белгиланган тушумларни назорат қилишдан ташқари, корхона, ташкилот ва бирлашмаларда солиқларни йиғиш бўйича қайта текширишлар ўтказишга рухсат берилган;

-учинчидан, уруш уфайли тегишли давлат ташкилотлари солиқларни ўз вақтида тўлиқ йиғилишини таъминланганлар, солиқларни ўз вақтида тўламаганлар маъмурий жавобгарликка тортилганлар. Тизимда ишларни ташкил қилишдаги муҳим ижобий жиҳат шу бўлганки, уруш даври бўлишига қарамасдан, аҳолини солиққа тортишни ҳуқуқий асослаш ва уларнинг қонунийлигини таъминлашга катта эътибор қаратилган.

Тўртинчидан, иккинчи жаҳон уруши йилларидаги совет давлати солиқ тизими асосан давлатдаги барча заҳираларни фронтга сафарбар этиш уруш манфаатлари йўлида бажарилганлигини кўриш мумкин. Ушбу жараёнда Ўзбекистонда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар асосан ҳарбий изга йўналтирилганлигини, бу эса, ўз навбатида Совет даври солиқ тизимидаги мажбурий ва қўшимча тўловларни амалга оширишда қатор зиддиятларни келиб чиқишига сабаб бўлганлигини тасдиқлади. Аммо шундай бўлсада энг муҳими, республика барча аҳолисининг ёппасига уруш манфаатлари учун мажбурий солиқ ва йиғимларни тўлашга тортилиши ўта мураккаб ва оғир кечган бўлсада, совет халқининг урушда ғалаба қозонишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

## 5.Адабиётлар:

1. Аждодлар жасорати ва хотирасига юксак эҳтиром // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва кадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. № 80. Т., 2020 йил. 10 май.
1. Пўлатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. Т., “Ўзбекистон”, 1974.47.б
2. Пўлатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. Т., “Ўзбекистон”, 1974. 47.б
3. Пўлатов И. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. Т., “Ўзбекистон”, 1974. 47 б
5. Жўраев Ш, Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. Бухоро 2004. 51- бет.
6. Жўраев Ш, Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. Бухоро 2004. 57 бет.
7. Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Т. 2009 . 151-бет.
8. Справочник по налогам и сборам населения. М., 1973. С- 86.
9. Справочник по налогам и сборам населения. М., 1973. С- 86.
10. Ўзбекистон тарихи. // Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Т., 2000. 456 бет.
11. Ўзбекистон тарихи. // Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.Т., 2000. 47 бет.
12. Обломуродов Н, Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихи. Т., 2009.,151-бет.
13. Сборник законов Узбекской ССР и Указов Президиума Верховного Совета Узбекской ССР (1938-1971 гг). Т., 1972. С-412.
14. Жўраев Ш, Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи. Бухоро 2004. 63- бет.
15. Тур В.А, Е.А Авдошина Населению о налогах. М. Финансы и статистика. 1988., С 234.
16. Тур В.А, Е.А Авдошина Населению о налогах. М. Финансы и статистика. 1988<sup>1</sup> Ўша асар. С. 65

# Social Science Analysis

17. Тур В.А, Е.А Авдошина Населению о налогах. М. Финансы и статистика. 1988. С. 65.
18. Шамов А.А Территориальные управления хозяйства. М., 1984, С 198.
19. Жўраев Ш, Бобоев С. Маҳаллий солиқлар тарихи., Бухоро. 2004. 167 б.